



Ўзбекистон

ЎЗБЕКISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ҲАҒТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

27 октябр, №44(3582)

Шу йилнинг 13-20 октябр кунлари Олмониянинг Мюльхайм шаҳрида «Инак йули театр саёҳати» лойиҳаси доирасида «Марказий Осиё театр жирофяси» фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қозоғистон театр жамоалари иштирок этдилар. Барча республикалар ушбу фестивалда битта сахна асарини билан иштирок этган бўлса, Ўзбекистон вакиллари иккита спектакл билан катнашдилар. Ўзбекистон театр санъати кунлари Илдош Охунбоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри ижодкорлари бошлаб беришди. Мюльхайм шаҳридаги шиман «Ан дер Рур» театри 16 октябр кунини олмонийлик театр мухлислари, театр мутахассислари билан лик тўлди. Олимпон Салимов сценарийи асосида миллий масхарабозлик ва қизиқчилик санъатининг энг яхши аъёнларини давом эт-

ЕВРОПАНИ ҲАЙРАТГА СОЛИБ...

Ўзбек миллий театр санъатининг Олмониядаги улкан муваффақияти



Спектакл ноҳиясига етган томоша зали олқишлардан ларзага келди. Миннатдор томошабинлар йигирма дақиқалар мобайнида ижодкорларни қайта-қайта сахнага тақлиф этишиб олқишлашди. Немис тилида «Офарин» хитоблари янгради. Умуман, биринчи спектакл кўп жихатдан фестивал муваффақиятини таъмин этган омиллардан бири бўлди.

«Ан дер Рур» театри сахнасида 19 октябр кунини «Қобил ва Ҳобил» спектакли намойиш этилди. Мухлислар ва мутахассислар билан лик тўлиб, ҳатто театр залининг зинаюяларида

ўтирган томошабинлар икки соат давомида спектаклнинг сеҳрли оғушида бўлдилар. Гарчи спектакл ўзбек тилида синхрон таржимасиз намойиш этилган бўлса-да, томошабинлар унинг «қуқур» фалсафасини нозиклик билан илғай олди ҳамда ижодкорларни гулдаста ва олқишлар билан тақдирлади.

Спектаклдан сўнг театр фойеесида қисқагина Ўзбекистон театри санъати кунларига бағишланган маросим бўлди. Маросимда сўзга чиққан «Ан дер Рур» театри раҳбари, доктор Роберто Чиули, вазир ўринбосари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Бош директори Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистоннинг Олмониядаги элчиси маслаҳатчиси Зиёдулла Пўлатхўжаев ушбу фестивалнинг аҳамияти ҳақида сўзлашди.

Фестивал спектакллари намойишида йирик халқроқ фестиваллар фестивали директорлари иштирок этишди. «Ан дер Рур» театрининг 2001 йилнинг

апрел ойида Марказий Осиёга қиладиган сафари хусусида фикр алмашилди. Доктор Роберто Чиули ушбу сафарни Тошкентдан бошлаш биз учун муҳим деди.

Шу билан бирга доктор Роберто Чиулининг лойиҳаси хусусида ҳам гаплашиб олинди. Бу спектакл Олмония, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон театр ижодкорлари билан ҳамкорликда сахналаштирилади. Ушбу лойиҳа ЮНЕСКОга тақлиф сифатида киритилган ва тез орада жавоб келиши кутилмоқда. Асар Марказий Осиё республикаларининг бирорта ҳудудда бир ой давомида репетиция қилинади. Унинг биринчи намойиши ҳам ўша мамлакатда бўлади.

Шунингдек, Роберто Чиули билан навбатдаги «Муаллифлик театрлари учрашуви» фестивали хусусида ҳам фикр алмашилди.

2000 йил — соғлом авлод йили



«БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИДА»

Машҳур олмон исломуносо олимаси Аннемарие Шиммель хонимнинг номини ўзбек китобхонлари ва газетхонлари яхши билишади. Шу йилнинг бошларида унинг «Шарк» нашриёт-матбаа концернида чоп этилган «Жонон менинг жонимда» асари китобхонлар орасида олимпиада кизиқичлиги янада оширди. Исломуносо, шарият аҳкомлари ва умуман муслмон маданияти мавзусида 127 асар яратиб, оверуполик ва осийлик ўқувчилар эътиборини қозонган олимпиада «Бобурийлар салтанатида» деган янги бир асарини эълон қилди.

Ўзбеклар ва қуръи

гўзал бир суратини чизиб берганки, ўқиб ҳайратга тушасан киши. Китобни ёзиш жараёнида олимпиада 600дан зиёд манбалардан фойдаланган. Ана шу тарихий асарларга асосланган ҳолда Заҳириддин Бобурга — фирдавсмақоний, Насируддин Хумоюнга — жаннат ошиёний, Жалолуддин Акбарга — арш ошиёний, Нуриддин Жаҳонгир Шоҳ Жаҳонга — соҳибқирон, Аврангзёб Оламгирга — худд макон каби нисбатлар берган. «Харакатдаги давлат», «Даражалар ва мансаблар», «Армия ва уруш санъати», «Хўжалик», «Савдо», «Динлар», «Ноисломий динлар», «Салтанатдаги аёллар» каби кўплаб боғларда Бобурийлар салтанатининг тарихи, санъати ва маданияти хусусида назокат ила сўз юритган. Бу асар жаҳон бобуршунослигига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Йўлдош ПАРДА

«АЛПОМИШ» ТУРК ТИЛИДА

Бекиёс маънавий хазинамизнинг гултоқи «Алпомиш» достони десак адашмаймиз. Достоннинг 1000 кенг нишонланиши йиллиги «Алпомиш»га бўлган қизиқишни янада орттирди, асарнинг янги таржималари яратилди. Туркияда, Отатурк Маданий Маркази Бошқонлиги томонидан (Санъат ва нашриёт куруми Бошқонлиги иштирокида) нашр этилган «Алпомиш» достони икки қардош халқни маърифий жиҳатдан боғловчи муҳим халқлардан бири бўлди. Достоннинг биринчи қисмини Айсу Шиммель, иккинчи қисмини доктор Ойнур Уз турк тилига ўттирганлар. Аслият сифатида 1998 йили Ходи Зариф домла ва профессор Мирзаев нашрга тайёрлаган, машҳур бахшишимиз Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган вариант асос қилиб олинган.

«АЛПОМИШ» ТУРК ТИЛИДА

Достон таржимонлари ўзбек тилини яхши билган мутахассислар эканлиги кишини қувонтиради. Ойнур Уз бир неча йил Ўзбекистонда яшаб, Ўзбекистон Миллий университети турк филологияси кафедрасида малака оширган, ўзбек ва турк тилларини қиёсий ўрганган, ўзбек маданияти ва адабиётдан анча хабардор мутахассисдир. Профессор Содиқ Турол турк адабиётининг билимдонларидан бири; «Алпомиш»нинг туркча таржимасини қиёсий ўрганган ўз тадқиқотчиларини кутмоқда, албатта. Маданий меросимиз «Алпомиш»нинг турк тилида чоп қилиниши ҳар биримизнинг дилимизга қувонч бағишлаб, қалбимизда фахр-ғурур туйғуларини тугдириши табиийдир. Аҳдямбек АЛИМБЕКОВ

БУГУНГИ СОНДА:



2 Буюк актёр Абдор Хидоятмовнинг 100 йиллиги

2 БИЗ КИММИЗ? 3

4 «ФАНО ДАШТИДАГИ ҚУШ»

«ОФАРИН» ИЖОДКОРГА ҚАНОТ

Шарқда азалдан истеъдод эгалари юксак кадрланиб келган. Бехуда «Талант — халқ мулки», дейдилар. Қолаверса, ҳар қандай жамиятнинг қиёфаси, миллатнинг маданий раванг тоғлини унинг зибиллари салоҳияти, савиясида яққол кўриниб туради. Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимиз маданий ҳаётида авж олган қизғин ижодий жараёнда, аввало, халқимизни янги зафарларга даъват этишдек эзгу мақсадлар бош йўналиш қилиб олинди. Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, фуқаролар тотувлиги, тинчлик ва дўстлик тароналари ана шу жараённинг мазмун-мундарижаси этиб белгиланди. Айни шу жиҳатларнинг тасдиғини биз Республикаимиз миқёсида ўтказиб келинаётган танловларда яққол кўриб, кузатиб келаямиз. Чунинчи, мамлакатимизда илк бор ўтказилган «Офарин» — йилнинг энг яхши ижодкорлари» республика танловини нафақат адабиёт ва санъат ижодкорларида, шунингдек, ижодкорлар, санъаткорлар фаолиятида ҳам чуқур из қолдирди, уларнинг кадр-қимматини баланд кўтариб, меҳнатларини юксак даражада эътироф этиб, қалбларини яратиб иштиқий билан тўлдирди. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъсис билан ўтказилган мазкур

танлов ҳаёти ва ижодини Ватан иқболи, миллат тараққотиётига бахши-да этган ижодкор зиялиларини шарафлашдек эзгу мақсадни кўзлаган. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Республика «Офарин» жамғармасининг таъсис мажлиси ана шу эзгу мақсадлар йўлидаги дадил саъй-ҳаракатларнинг бардавомлигини яна бир бор тасдиқлади. Жамият ва инсон ҳаётида баддий ижоднинг мислсиз аҳамиятини назарда тутиб фаолият кўрсатадиган мазкур Жамғарма мамлакатимиз ижод аҳлини янада кўтаринки руҳда меҳнат қилишга даъват этишни, истеъдод соҳибларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий мақсад ва вазифаси деб белгилаб олди. Боз устига, Жамғарма адабиёт ва санъат, матбуот, радио ва телевидение соҳаларида Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, фуқаролар тотувлиги, тинчлик ва дўстликни кенг тарғиб этадиган, мустақиллик ва Ўзбекистоннинг буюк келахагига ишонч туйғусини шакллантирадиган энг яхши ижод намуналарининг яратилишига замин бўлади. Жамғарманинг таъсис йиғилишида йиғилиш иштирокчилари тақлифига қўра, Маданият ишлари вазир Хайрулла Жўраев Ўзбекистон «Офарин» жамғармаси раиси этиб сайланди.

ОБУНАЧИ ХУҚУҚИ

Шу кунларда мамлакатимизда газета ёки журналга салгина бўлса-да, алоқадор инсон борки, ҳаммасининг ҳаётида бир ташвиш — обуна масъумини яхши ўтказиш, иложи борича кўпроқ ўқувчига эга бўлиш. Рост-да, ўқувчи керакми, газетхон керакми, марҳамат, ўз томонингизга агардир олинг, газетангизнинг сўзи билан, юзи билан. Утган йили баъзи туманларда айрим соҳа кишиларини ўша соҳа газетасига обуна қилиш услуби кузатилди. Гўё улар орасида бошқа нашрларга қизиқувчилар йўқдек. Наҳотки, муаллим фақатгина «Маърифатни», нафақат «Нуроний»ни, қишлоқ хўжалиги ходими «Қишлоқ ҳаёти»ни, бирор партия аъзоси ўша партия газетасини ўқиши керак? Айрим қорхоналарда ёлпасига фалон газетига обуна бўламан, деган ташаббуслар ҳам пайдо бўлмоқда. Нима, қорхонадаги барча ходимларнинг диди-ю дунёқарши бир хилми? Яна бир гап. Айрим ҳокимликлар томонидан «Жамонгизни фалон газетига фалон нусхада обуна бўлишини таъминлашга «шахсан жавобгарсиз» қабилида кўрсатмалар бериш ва бу кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Хўш, обуна жараёнида юқоридagi ҳолатларни маъқуллаш керакми? Йўқ, албатта. Балки «ихтиёрий-мажбурий» тарзда қайсидаир нашрга обуна сонини кўпроқ қилиш мумкиндир, аммо у ҳолда обуначининг ҳақ-ҳуқуқлари чекланади, у танаб обуна бўлиш имкониятига эга бўлолмайди. Обуначи ўқини хоҳлаган нашрга ёзилишга мажбур бўлади. Аллаххусус одамларни газетадан беэдириб қўлимиз. Бугун мамлакатимизнинг барча вилоятларида обуна қизгин давом этапти. Жумладан, Жиззах

ЮРТНИ СОТГАН КЕЧИРИЛМАЙДИ!

Уша кунини Вазирлар Маҳкамасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиши керак эди. Уни матбуотда ёритиш менга топширилган. Соат ўн бирга яқин зал тўлиб бўлди. Олий Махлис раиси ва ўринбосарлари, Бош вазир ҳамда ўринбосарлари, вазирлар, республика аҳамиятига молик идораларнинг бошлиқлари, вилоятлар ҳокимлари, кўйинки, мамлакат миқёсидаги барча раҳбарлар шу ерда эди. Ҳамма Президент Ислам Каримов келишини кутарди. Бир пайт Мустақиллик майдони томонидан ўқ овози эшитилди. Ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Ташқарида нима бўлаётганидан бехабар эдик. Орадан бир-икки дақиқа ўтгач, кучли портлаш рўй берди. Бино ойнасининг синиши натижасида бир неча киши тан жароҳати олди. Мен ўшанда ҳаёт нақадар ширинлигини, замонавий ўлим қуроллари олдида инсон боласи ўйинчоқ эканлигини яна бир бор ҳис этдим. Худого шукрки, бино мустаҳкам қурилган экан. Борди-ю... Уйлашга ҳам қўрқасан киши. Тарихга 16 феврал воқеалари

бўлиб кирган машъум жиноят ташкилотчилари ва ихрочилари тезда маълум бўлди. Уларнинг кўплари ушланиб, қилмишларига яраша жазоларини олди. Яқинда «Халқ сўзи» газетасида босилган «Прокуратура айбномасини» ўқиб, 16 феврал воқеаларига узоқ вақт, зимдан тайёргарлик қўрилганига амин бўлдим. Айбномада Ватан хонлари Тоҳир Йўлдош, Жумабой Ҳожиёв, Салай Мадаминов, Улуғбек Бобожонов, Муродилла Қозиев, Хомиджон Раҳмонов ва бошқаларнинг асл қиёфалари очиб ташланган. Уларнинг айримлари узоқ йиллар давомида фуқароларнинг уйларига ҳужумлар уюштириб, мол-мулкларини эгалаб олиш билан шуғулланиб келишган. Бошқа бирлари эса қонсуз бойлик орттириш, мамлакатда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш орқали мавжуд давлат тузумини заифлаштириш, унинг раҳбарларини обрўсизлантиришга уринишган. Бугун бу жиноятчиларнинг айримлари чет элларда туриб ўзларини «демократлар», «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» деб атамоқда. Қилган ишлари эса... Беғуноҳ инсонни ўлдириб, қалласини биронинг дарвозасига илтиб кетиш

вилоятда ҳам. Бу ҳақда «Жиззах вилоят почтаси» хиссадорлик жамияти раиси Илҳом Саидмурзаев қўйидагиларни билдирди: — Айнан мамлакат газета ва журналларига обуна ташкил этиш масаласи кунини кеча вилоят ҳокимлигида алоҳида қўриб чиқилди. Бугунги ҳаётимизни кундалик матбуотсиз тасаввур этиш мумкин эмаслигини англаб етганлигимиз учун ҳам обуна масаласи кенг таҳлил қилинди, зарур тавсиялар, йўл-йўриқлар ва чоралар белгиланди. Мақсад битта. Обуначилар сонини кўпайтириш! Утган йили бир қатор нашрларга, ҳатто вилоят газеталарига обуна тарғиботида кам-кўстларимиз бўлганлиги йил давомида яққол билиниб қолди. Хозирги ҳаракатимиз ана шу камчиликларни тузатиш ва бу йилги обуна масъумини гоёта узоқроқлик билан ўтказишдан иборат. Бугунги кунда, вилоятимиздаги барча почта бўлимларида обуначилар учун беминанат хизмат ташкил этилган, почтамиз хизматчилари ҳар бир обуначига республика нашрлари ҳақида тўла ахборотлар беришмоқда. Обунага шундай эътибор берилган экан, раҳмат жиъзахликларга. Аммо ҳамма жойда ҳам бу ишга муҳим сиёсий иш сифатида қаралмапти. Яқинда Ўзбекистон радиосига интервью берган «Қашқадарё вилоят почтаси» бошлиғи барча газеталар вақтида чиқиб турса, обуна масъуми яхши ўтади, деган фикр билдирди. Бу гап вилоят почтаси директорининг эмас, балки матбуотдан мутлоқ узоқ бўлган кишининг гапига ўхшаيدди. Аслида гап нашрларни обуначига ўз вақтида етказиб беришга эмасми? Сурхондарё вилоятда ҳам обуначиларни ранжитадиган ҳол мавжуд. Вилоят марказидан туман марказларига баъзан бир ҳафтада бир марта почта олиб борилапти. Натияжада, ахборотлар эскириб, газетанинг газетадан соуватаяпти. Бу ҳолни почталарни транспорт ва уларга ёнига йўқлиги билан изохлашди. Обуначи учун бу баҳонанинг ҳеч бир қизғини йўқ. У пул тўлаб обуна бўлган газета-журналини ўз вақтида олиб ўқини истаيدди. Обуна жараёнида анча йилдан бунён қўлланиб келинаётган яна бир «кашфиёт» бор. У ҳам бўлса Лениннинг телпагини Валига қийғизиб, яъни бирор газета обунаси учун тўланган пулга бошқа газетига обуна қилиш. Утган йили айрим жойларда бу «тадбир» қўлланган. Истагимиз, жорий йилда шу «анъана» давом этмаса. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» мухлислари шундай ҳолга дуч келишса, бизга албатта хат орқали ёки қўнғирок қилиб маълум қиладилар, деган умиддамиз. Обуна иши мўржапан ижтимоий аҳамиятга эга. Кундалик ҳаётимизни ноисси тасаввур қилиб бўлмаганидек, маънавий озуқа — ахборотсиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, бу жараённи кўнгилдагидек ташкил этиш — ҳаммамизнинг бурчимиз.

ГўЗАЛ ЁР, ДИЛОЗОР
ЁКИ ЗАМОНЫЙ ХИРГОЙИ

Рустам Мусурмоннинг «Уйламай қуйлаган...» мақоласини («УзАС», 13 октябр) ўқиганимдан сўнг менинг ҳам алам билан қуйлагим келди:

Гўзал ёр, дилозор
Жоним тунлари бедор.
Зор этагини гирифтор...

Газетхон мақола муаллифи алжираяпти, деб ўйламаслиги учун, бошдан айтиб қўяюндай: мен қуйлаяман. Ҳа, ҳа адашмадингиз. Мен қуйлаяман. Боринг-ки, хиргойи қилаяман.

Хиргойи?! Келиб-келиб хиргойи қилган нарсангиз қара. Шуюм қўшиқ бўлди-ю... Хиргойи қилсанг, дурустроқ қўшиқни хиргойи қил. Ана, АЛЛА айт, ЛАПАР айт, қатор ХАЛҚ ҚУШИҚЛАРИ, қатор ЯЛЛАЛАРдан айт. КАТТА АШУЛАдан ол.

МУМТОЗ ҚУШИҚЛАРУ МАҚОМЛАРИНИ хиргойи қил. Топган матоҳингиз қара... деб мени қийишингиз, эътироз билдиришингиз мумкин.

Лекин, бу «мумкин» менинг «хиргойи»мга чивин чакданчалик ҳам таъсир қилолмайди. Нега-ки, бу қўшиқни, боринг-ки, шу каби қўшиқларни бугунги кунда бутун Ўзбекистон хиргойи қилмоқда, десак янглишмасак керак.

Ишонмайсизми?

Ишонмасангиз, эшитиб кўринг.

«Сен ўйлама
Сен йиллама
Юрагингни қийнама
Бу азоблар ўтиб кетар

(Давоми 2-бетда.)

Буоқларимиз

УЛУФ АКТЁР

Аброр Хидоятлов 1900 йили Тошкент шаҳрида Дегрез маҳалласида, уста Раҳматилла оиласида туғилди. Отаси ўғлининг кўшиқлар хиргойи қилиб юришини кўриб, унга ўзи ясаган дуторни беради. Аброр болалигидаёқ ана шу дутор билан маҳалла чойхонасида ашула айтаётган одамлар кўнглини хушуд қилар эди. 1914 йили Тошкентга гастролга келган татар ва озарбойжон театрларининг спектаклларини томоша қилганда унинг қалбига театр санъатига муҳаббат уйғонади.

А. Хидоятлов ўша йиллари биринчи ўзбек режиссёри Маннон Уйгур билан танишиб қолади. Маннон Уйгур уни ўзи ташкил этган труппага таклиф этади. Шундан сўнг у спектаклларда роллар ижро эта бошлайди. М. Уйгур шoir Чўлпон билан биргаликда Москвада очилган ўзбек драма студиясига хаваскор актёрларни йиғишади. А. Хидоятлов ҳам Сора Эшонтўраева билан бирга ана шу студия машғулотларига қатнашади. М. Уйгур ва Чўлпон Хидоятловдаги истеъдодни кўриб Шекспирнинг «Гамлет» ва «Отелло» асарларини таржима қилиб, унинг ижросида саҳналаштиришга киришади. Ниҳоят 1934 йили «Гамлет» спектакли ҳозирги Аброр Хидоятлов театри биносида узлуксиз бир ой давомида намойиш этилади. А. Хидоятлов ижросидаги «Отелло» спектакли эса 1940 йили саҳналаштирилган. Ҳар иккала асар ўша йилларда Ҳамза театри жамоасини дунёга танитган. А. Хидоятлов Отелло роли билан Москва, ҳатто Лондонда бўлган Шекспир асарлари кўнарида иштирок этишига муассар бўлган.

А. Хидоятлов фақат Шекспир асарларидагина эмас, бошқа мумтоз ўзбек драматик асарларида биринчи бўлиб бош ролларни ижро этган ўзбек актёрларидан. У «Бой ила хизматчи»да Фозур, «Муқанна»да Муқанна, «Рустам»да Рустам, «Навоий»да Навоий ролларини қойилмақом қилиб баъжарган.

А. Хидоятлов кичка умр кўрди, аммо санъатимизда ўчмас из қолдирди. У шоғирларнинг чинакам ғамўхори эди. Маълумки, театр саҳнасида Олим Хўжаев, кинофилмда Раззоқ Хамроев Алишер Навоий образини яратган. Раззоқ Хамроев то «Навоий» фильми суратга олиниб бўлгунча қадар деярли ҳар кун Аброр Хидоятлов билан маслаҳатлашиб турган. Аброр ака Шукр Бурхонни, «менинг ўринбосарим» деб, унинг истеъдодига ҳурмат билан қараган.

Эсимда, Мақсуд Шайхондиннинг «Жалолиддин Мангуберди» спектакли саҳналаштирилган бўлди-ю, Аброр Хидоятловга Те Мур Малек роли тоширилди. Ўша йиллари мен ниҳоятда ёш бўлишимга қарамай, устоз мени ёнига олиб, шу ролни ижро этишимга қўмақлашган эди.

Ҳақиқатинан театримизда Шекспирнинг «Қирол Лир» ва «Отелло» спектаклларида бош ролларни ижро этган Турғун Азизов устоз ҳақидаги хотираларини мен билан ўртоқлашар экан, ҳали у санъат институтида таълим олаётган даврида Чеховнинг «Ваня тоға» асари асосидаги спектаклда бош ролни ижро этишда Аброр Хидоятлов унга яқиндан ёрдам берганини айтиди. Шунинг учун ҳам биз — унинг шоғирлари Аброр Хидоятловдек устозга доим таъзим қиламиз.

Зикир МУХАММАДЖОНОВ

Мен олтишинчи йилларнинг бошидан барча улкан санъаткорлар катори Шукр Бурхоннинг ҳам ашаддий мулоқисига айланганман. Санъат институтида кечкурун ўқишимга қарамасдан, буш пайт топилиди дегунча театрга, нима учундир, кўпчиная Ҳамза театрига чопардим. Хуллас, «қунда шунда» эдим.

Уша йиллар Шукр Бурхон Фодирни уйнади, «Юлий Цезарь», «Кузгунлар», «Мирзо Улубек» спектаклларининг ҳам бош қаҳрамони эди.

Шукр Бурхон ҳар қандай издиҳомда дарҳол кўзга ташланадиган «сиймо» эди. Жингала сочи, юзи, кўзининг ўзидек диққатни жалб қиларди. Саҳнада ку...

Фодирни ҳамма билади. Ниқолай Погодиннинг «Кузгунлар» пьесаси кўп уйналмади шекилли. Ҳар ҳолда театруносларнинг мақолаларида ҳам бу спектакл тилга олингани эслабмайман. Театрнинг ўз қонуни бўлади, қайси асар қанча уйналишини ҳеч ким билмайди. «Кузгунлар» мутлақо эсимда қолмаган. Аммо уни тилга олаётганимнинг сабаби бор. Сабаби — Шукр Бурхон, албатта.

Шукр Бурхон саҳнага биринчи парданинг охирида кириб келарди. Унинг ҳеч қандай гапи йўқ. Кириди, саҳнанинг нариги чекасида турган рафикасига кўзи тушади. Шу билан парда ёпилиши керак, воқеалар кейинги пардада давом этади. Аммо...

Аммо, шуниси қизиқки, парда ҳадеганда ёпилавермас эди. Сабаби — яна Шукр Бурхон. У саҳнага кириб, тўхтарди. Нариги чекада рафикаси пайдо бўларди. Иккалasi бир-бирига қараб тураверарди. Саҳна бўм-бўш, икки четда икки киши бир-бирига қараб турибди, ҳолос. Ана, узокда экан, келди, воқеа ҳали давом этади, парда ёпилавермас бўлмасми? Йўқ, бўлмас эди. Пардани Шукр Бурхон «тўти» турарди. У рафикасига шундай тикилар эди, шундай тикилар эдики... орада неча дақиқа ўтгани сезилмас, томошабин нафасини ичига ютиб, унинг сукунтини «тинглади». Эҳтимол, у мана шу бир неча дақиқа ичида соатлаб гапирганда ҳам адо қилиб бўлмайдиган дардини изҳор қиларди. Томошабин унинг сукунтини «тинглади», берилиб «тинларди»... «Кузгунлар»ни эслаётганим ҳам мана шу — Шукр Бурхоннинг узок-узок сукунти туйғили. Актёр саҳнада асосан ҳаракат қилади, гапирарди. Вазифасини шу билан адо этади. Аммо, сукут сақлай олиш санъати барчага насиб этавермайдиган улғў неъмат.

Илгари спектакллар узок, уч-тўрт соатлаб давом этарди. «Юлий Цезарь» ҳам қатта спектакл эди. Унда Марк Брут ролини ижро этган Шукр Бурхон бошдан охиригача саҳнада бўларди. Жуда ҳаққонли, сержаракат бу спектаклда монолог, диалог ҳам кўп бўлиб бу монолог ҳамда Кай Кассий билан мунозараларини ёллаб олиб, тарқолаб юрардики, кўп югурар, саркар эди. Аммо чарчагани биланмасди. Мен шу спектаклда яна бошқа нарсани — Шукр Бурхоннинг кўзи юмилмаслигини кашф қилганман. Шукр Бурхон



БИТТА ЭДИ ШУҚУР БУРХОН ҲАМ

кейинроқ ўтганда, эҳтимол, унинг асарлари «шайхона» деб баҳоланарди, деган фикрни баён қилган эдим) айнан Шукр Бурхон учун ёзилгандай эди. Ҳам салтанатни бошқариш, ҳам илм билан шуғулланиш ҳамнинг қўлидан калавермайди. Бунинг устига, оилавий моҳаролагар... Мирзо Улубек шундай вазиятда яшарди. Шукр Бурхон унинг оламига олиб қирарди сизни, унинг дарди, қаҳри, меҳрини сиз билан баҳам кўрарди. Унинг волидаи муҳтарамасига, фарзандига муносабати, Ферузага муҳаббатига... Барча туйғуларни сизни ҳам забт этарди, бўзгингизга нимадир тикилиб ўтирардингиз. Ҳатто кулганингизда ҳам!

«Мирзо Улубек» 1963 йили саҳналаштирилган эди. Дастлаб жамоатчилик кўриги бўлди. Ушандаги бир ҳолат ҳеч эсимдан чиқмайди. Мирзо Улубек Феруза билан сўхбатлашиб, унинг покизалигига амин бўлади. Феруза чиқди. Мирзо Улубек иккала кўлини кўтариб силтаганча уни кузатарди. Сўнгра қарс уриб девонбегини чақиради. Ферузага талоқ ёздириш учун. Гап қилдимки, Ферузанинг саройда қолиши мумкин эмас. («Ферузани сева-сева талоқ қўяман!») Одатда шохлар уч марта қарс уради. Аммо шу ўринда Шукр Бурхоннинг кўтарилиб турган кўллари бир-бирига уришга мадори қолмаган эди! Шундай бақувват бўлишига қарамасдан! Аммо кейинги спектаклларда бундай бўлгани йўқ. Шукр Бурхон ўзини «қўлга олган» эди. Орадан анча йилар ўтгача (бу пайт «Мирзо Улубек» уйналмасди) бир сўхбатимизда юрак ютиб, сабабини сўрадим. Эсида бор экан. Мутахассис олимлардан бири бу ҳолат нотўғри, дебди. Содда Шукр Бурхон унинг гапига ишонибди. Мутахассис-да! Илми бор!

Кейин «Шох Эдип», «Қиёмат қарз» пайдо бўлди. «Шох Эдип»даги изтироблари! Бир одам қўриқолмасди бу изтиробларини... «Қиёмат қарз»даги ҳалол, содда ўзбекининг сарғузашлари... Йирик, улкан қаҳрамонларни ўйнаш учун яратилган Шукр Бурхоннинг мана шундай Сулаймон эди, Ялангўшдек олдий кишиларни уйнай олганини кўриб хайрон қолардингиз. Бу — унинг буоқлигидан эди!

«Мирзо Улубек»да Ферузанинг бир гапи бор. «Бу дунёда улуглар кўп, Улубек битта!» деб тибоб қилади. У Бу сатрни Шукр Бурхонга ҳам насиб бериб, «битта эди Шукр Бурхон ҳам!» десак бўлади.

Машраб БОБОВЕВ



Халқимизнинг ардоқли санъаткорлари Шукр Бурхон, Олим Хўжаев ва Сойиб Хўжаев таваллуднинг 90 йиллиги муносабати билан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шу кўналарда Киночилар уйда ҳар учала атоқли санъаткор ҳаёти ва ижодига бағишланган фотокўргазма ҳамда уллар иштирок этган фильмлар намойиш этилмоқда. 31 октябр кун эса «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон Киноарбоблари бирлшмаси ҳамкорлида халқ севаган санъаткорлар таваллудига бағишланган илмий конференция ҳамда хотира кечасини ўтказди.

НУРГА ИНТИЛАЁТГАН ИНСОН

Ҳозирги кун қаҳрамони ким? Бу савол жамоатчилик орасида турли баҳо-мунозараларга сабаб бўлиб келяпти. Кино ва саҳна асарлари ҳаммада бирдек таассурот қолдирмайди, албатта. «Ўзбектелефилм» студиясида яратилган режиссёр Саидботир Аҳмадхўжаевнинг «Рустам Раҳимов интилан нур» ҳужжатли видеофильми тақдиротидан сўнг ҳозирги кун қаҳрамонини бадиий асардан эмас, оддий ҳаётимиздан ҳам излаб топиш мумкин экан, деган ҳулосага келидим. Негаки, бу филм қаҳрамони билан танишган ҳар қандай инсон уни ёқтириб қолади. Ўқтирибгина қолмасдан, ораимизда шундай ўзбек ўғлони борлигидан гурурланади.

Филм илмда 200 дан ортиқ кашфиёти билан танилган ўзбек кимёгари Рустам Раҳимов ҳақида. Олимнинг медицина соҳасидаги кашфиёти — касалликларни дори-дармонларсиз, фақат инфракрасий нурлар билан даволаш усули филмнинг асосий мазмунини ташкил этган.

— Илм-фан билан машғул инсон ҳам икжоддор, — дейди Рустам Раҳимов. — Инсонда ўзи танлаган касбга қизиқиб кучайган сайин янги-янги кашфиётлар қилишга имкон юзага келади. Масалан, шундай улмас мумтоз муслиқларисиз борки, уларнинг қандай яратилгани ҳануз инсон ақлини лол қолдириб келаяпти, шунинг ўзи бир мўъжиза. Саратон касаллигининг келиб чиқиши ва уни даволаш йўллари ҳусусидаги фикрлар менга ёшигимдан тинчлик бермасди. Бу муаммонинг тағига етишиш ўйлаб, кечалари уйкум келмасди. Бугунги кунга

келиб мен ишлаб чиққан янги усул билан қанчадан-қанча одамлар даво топиб кетаётгани ўша уйқусиз туналаринг, қолаверса, устозларинг, бирлшмамиз уйдимларининг меҳнатлари самараси, деб ўйлайман.

— Рустам Раҳимов Оллоҳ назари тушган инсонлардан, — дейди «Инфра» фирмаси бош директори Те Мур Иноғомов. — Фирмаимизда Рустам яратган янгилик билан кўплаб беморлар даволанаётганлар. Рустам бу усулнинг афзал хижатлари ҳусусида маълумот бериш учун кўплаб чет эллик мутахассислар билан учрашди. Германия, Малайзия, Америкада, яқинда эса Тошкентда шу мақсадда халқаро анжуманлар ўтказилди. Япон мутахассислари ҳам медицина оламидаги бу янгилик билан танилиш истагида яқинда бизга мурожаат қилишди.

Филмдаги воқеалар тафсилоти қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Филм ижодкорлари 6 муаллиф, режиссёр ва оператор ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Саидботир Аҳмадхўжаев, овоз оператори Абдураим Чориев, муҳаррир Раъно Солиҳова, монтажчи Воҳид Раҳматов қаҳрамон ҳаёти ва илмийлашини ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қилишган.

— Қаҳрамонимиз улғу алломаларимизнинг ҳақиқий ворисларидан десак янгилашмаймиз, — дейди С.Аҳмадхўжаев. — Рустам Раҳимовнинг кўп киррвали фаолиятини томошабинларга тўла етказиб бериш мақсадида бу икжодий жараёни яна давом эттириш ниятидамиз.

Адиба ҲАМРО қизи

ГўЗАЛ ЁР, ДИЛОЗОР ҲАМ ЗАМОНАВИЙ ХИРГОЙИ

Кўз очиб юмгунингча... Сен уйлама Сен йиллама Юрагининг қийнама Ахир ҳаёт хали олдинда Бахтинг топарсан албатта...

Эстрада. Бу сўз аввало САҲНА маъносини билдирган. Кейинчалик, (сифат ўзгариши руй берибми) саҳнада ижро этиладиган санъат асарлари ҳам ЭСТРАДА деб номланган кетган ва эстрада жанри пайдо бўлган. Санъат. Ҳа, саҳнага чиқдингми, санъатининг кўрсат. «Онагни отанга бепардоз кўрсатма!» деган мақолимиш бор. Бу — саҳна ахир. Биз бу саҳнада Ботир Зокиров, Фаррух Зокиров, Юлдуз Усмонова каби эстрада юлдузларининг гўзал кўшиқларини тинглаганмиз. Саҳна элнинг назаридеги майдондир. Бу майдонга покиза ният билан, улғу мақсад билан чиқмок лозим эмасми? Мен «хиргойи» ижодкорлари ёхуд ижрочиларининг мақсад-у мудоаси бўлак, деган фикрдан йирок бўлишни истайман, албатта. Лекин, мақсад ва ҳаракат (сўз ва ижро) муштарак эмаслиги (ҳамма соҳада ҳам) мени ҳаммаша галат бир ҳайратга солиб келади. Биз жуда қадим халқимиз. Бизни жўн ва туттуруксиз нимарсалар билан ҳайратда қолдириш қийин. Лекин, мумкин экан.

Ахир, бугун Ўзбекистон қўламоқда! Бирор кўшиққа жўр бўлмок ёки уни хиргойи қилмок, аслида, ҳайрат инъикосидир. (Эҳтимол, муслиқнинг эҳтиромидир бу, қалб ё дард торларининг ҳамомчилигидир!?) Нима бўлганда ҳам, биз маънавият, дил (вкус) масаласини, асарнинг савия даражасини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Саҳнага чиқар эканми элнинг диди, Яхё ТОҒА

Акк-саго

савияси билан ҳисоблашишимиз зарур. Акк ҳолда... Бу энди бўлак (алоҳида) мавзу. Аввал бошда, ёш «эстрада» ўқуларимиз бир акаларча насихат қилмокчи эдим. Мақола аъинлиши жараёнида ўқиларим (Озодбек, Улубек, Боздор)нинг хиргойисини эшитиб қолдим. Улар «ака-ларининг кўшиқларини хиргойи қилишмоқда эди. «Фақат бугун мен шуни билдим» бу улкан тўфон экан. Ва мен бу тўфонни тўхтата олмак эканман.

Бу тўфонни эзулгича хизмат қиладиган шаҳобчаларга буриб юбориш керак, деди бир олим биродаримиз. Мен бу фикрни кўлаб-кўтилмақдам (ичимда). Бу тўфон кучини қирқиб унун яхши кўшиқлар яратишимизга керак. Ушандагина Ҳақиқий (табий) сараланиш рўй беради.

Ҳозирча эса, ёш дўстларимиз, фарзандларимиз бу ажиб, бу галат тўфонда фарқ... Шул суронли оҳанглардан сел бўлишмоқда. «Тирик балик оқимга қарши сузади!» деган нақли билганим ҳолда, ўз билдиргимга қарши чиқаман.

Агарки, бизники дардимиз, савиямиз шул тўфонга фарқ бўлмоқда экан, мен ҳам ўзимнинг оқим иштирига қўйиб бераман. «Хайр мактабим Хайр шулғим Биринчи севгим хайр Хайр дўстларим...» Яхё ТОҒА

САМАРҚАНД ШАХРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН

60-йиллар охири — 70-йиллар бошларида ЎзФА Шарқшунослик институтида академик Иброҳим Муминовнинг ташаббуси билан манбашунос олим Асомиддин Урнбоев бошчилигида Амир Те Мур ва те мурийлар давр манбаларини тадқиқ қилиш учун махсус илмий гуруҳ тўзилган эди. Бошқа тадбирлар қаторида Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарини ўзбек тилида нашр этиш режаланган бўлиб, уни таржима қилиш Шарқ кўлэмалари билмидони Асомиров домла Ҳақимжонга топширилганди. Юнохсон домла институтида илмий тадқиқот, хатотлик ва таржима ишлари билан шуғулланарди. У ўрта арслар муаллифи Заҳриий С а м а р қ а н д и й и н г «Синдбоднома» асарини ҳам форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, маъжур атилмаган. Ю. Ҳақимжон 1969 — 1973 йиллари Ф. Тауэр наشري асосида «Зафарнома»ни тўла таржима қилди. Аммо тез орадан Марказ қўрсатмаси билан бошланган Амир Те Мур шахсиятини қоралаш сиёсати оқибатида асар таржимасини ўша пайтда бошиш имконияти бўлмади. Орадан кўп ўтмай Ю. Ҳақимжон вафот этгани туйғили асар таржимаси қоралама ҳолида қолди кетди.

Истиқлол шарофати ва Сохибқироннинг 660 йиллик тўйи муносабати билан, табиийки, қимматли асарни нашрга тайёрлаш масаласи яна қўтарилди. Бу масъулият ва машаққатли ишнинг асосий оғирлиги заҳматкаш олим, тарих фанлари доктори Асомиддин Урнбоев зиммасига тушди.

Адолат юзасидан шуни айтиб ўтиш лозимки, асарнинг Ю. Ҳақимжон таржимаси аслиятга солиштирилганда унда айрим хатолар ва тахрирлаб ўринлар борлиги маълум бўлди. Бу табиий ҳол бўлиб, ўз пайтида нашрга тайёрлаш имконияти бўлганда маъжур нуқсонлари таржиманинг ўзи бартараф этган бўларди. А. Урнбоев асарни нашрга тайёрлаш ишига тўла илмий асосда ёндашиб, таржимани бошдан-оёқ аслиятга солиштириб, қайта ишлади. Деярли ҳар бир саҳифага муҳим тузатишлар киритилди. Асарнинг баъзи жойлари қайтадан таржима қилинди. Натихада ўзбек тилидаги нашрада асар матни оқори даражада аниқлик билан акс этди. Бу ишни амалга яратиши лозимлигини таъкидлайди. Низомиддин Шомий Сохибқирон тарихига бағишланган «Зафарнома» асарини 1404 йил баҳорида тугатиб, Озарбойжонда Амир Те Мурга тақдим этган. «Зафарнома» муаллифи муқаддима ва Чигатой улуси хонлари ҳақидаги қисқача маълумотлардан сўнг Амир Те Мурнинг сиёсий фаолияти бошланган давр тарихи баёнига ўтади. Бу даврда Мовароуннахрда тарқоқлик ҳукм сурар, ўзаро низолар авж олган

Биз қиммат?

ни устига Мўғулистон хонларининг ҳужумлари кучайган эди. Ушбу мураккаб даврда Амир Те Мур улкани марказлаштиришга ва ажабий ганимлар асоратига чек қўйишга интилган сиёсий кушлар раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Албатта, ўша пайтда Мовароуннахрда ёш Те мурни назорат-писанд қилмайдиган йирик амирлар оз эмас эди. Аммо шунга қарамай, Амир Те мурунинг аста-секинлик билан бўлса-да, мамлакат сиёсий ҳаётида етакчи мақовни эгаллаб бергани беҳиз эмас. Бунга сабаб, энг аввало, унинг ватанпарварлиги ва ҳарбий даҳоси бўлиб, бутун жаҳонда енгилмас деб ҳисобланиб келинган мўғул лашкарларига қақшатқич зарбалар бера олгандир. Сўнгра эса, Амир Те Мурга ҳос бўлган раиъията ғамхўрлик, мамлакат бутунлиги учун қайғуриш, хиёнатдан нафратланиш каби эзгу фазилатлар бутун ўрқ бўйлаб овоза бўлиб, ватанпарвар кўчларнинг унинг атрафига жиқлашаши жараёнини тезлаштирди. Сохибқироннинг ҳади тахтга чиқмасдан бир неча йиллар олдин ўз сафдошларига қарата ай-

ЗАФАРМОЛИ ЙЎЛА

зарур изохлар билан нашрга тайёрланди. Бутун китобда учайдиган жуғрофий номлар изохлари ҳам О. Бўриев тарафидан тузилган.

Низомиддин Шомийнинг туғилган йили номаълум, келиб чиққан жойи Табриз чеккасидаги Шанби Ғозон деган мавзедан бўлгани учун у Шанби Ғозоний ёки Шомий нисбасини олган. Амир Те Мур билан илк бор 1393 йили Бағдод яқинида учрашган. Низомиддин Шомийнинг ўз маълумотида кура, ҳижрий 804 йили (мелодий 1401-1402) Амир Те Мур уни хузурига қорлаб, ўз давлатининг бошлангишидан то ҳозиргача бўлган тарихини бошларга бўлиб тартиб билан ёзиб чиқшини топширди. Унинг ихтиёрига бошқа кишилар томонидан битилган, афтидан аксарияти айрим сафарлар тарихига бағишланган асарлар топширилади Амир Те Мур тарихчига авом ҳам тушуна оладиган ва ҳос кишилар наздида ҳам мақбул бўлган асар яратиши лозимлигини таъкидлайди.

Низомиддин Шомий асарини даврнинг тарихига бағишлаган асарларнинг ҳарбий курагини яқсон этиш, шунингдек, жаҳонгирлик мақсадларида амалга оширган кўпсонли ҳарбий юришларига бағишланган. Сохибқирон унинг ушбу улкан жаңовар тадбирларини рубёбга чиқаришида унинг ўз ўғилларидан ташқари амир Жоку, хожи Сайфиддин, Шайх Нуриддин, Шохмалик, Аббос баҳодир каби саркардалар ҳам фаол иштирок этишган. Ўрта арсларда мисли қўрилмаган бу ҳарбий юришлар албатта осонлик билан ўтмаган. Сохибқироннинг ўзи ҳам узок ва оғир сафарлар машаққатларини саркарда-ю жаңгилар билан баравар чеккан. Амир Те Мур лашкарида интизом гоят қаттиқ бўлиб, алоҳида жасорат

МЕН ҲАЗИМНИ ИЗЛАДИМ СЕНДАН

Хаёт юрагимни тилкалар
Сочларингдан ханжарлар
Вайрон кўнгил отли
Севги билан ичман қасам!

Йиғлаб ололмайман
Кўзим косалари аёқ
Кулиб ололмайман
Юзим зардларида кулги

Сен-чи, мендан йиғасан
Мен сенга кимларни
Сендан ўзни топмаслик ўйи.
Юрагимга солар ваҳима.



Қанчалар кутганим
Қанча-қанча излашлар ўтди.
Сени изламадим. Изладим
Сендан мен ўзимни

Газета истиклол даври
прозаси ҳақида баҳс очиб,
хайри иш қилди. Тан олиб
айтиш керакки, Шукур

ёзилган асарлар тоғалитар муҳитга қарши
жавоб исён экан, бу жойда иккидун эркин

Тўсиқ олдидан довдираб қолмасдан,
дарёларга кўприк солиб ё
отда сузиб ўтиб, ўрмону чангал

Иқўтмай, оддий жангчиларга
ўрнат бўлганига таҳсин айтиш
билан бирга, Шох Мансур ва

муҳим факт негандир эътибордан
четда қолган. Маълумки,
«Зафарнома»нинг Лондонда

у мўғул хони Қозонхонга
қарши исён кўтариб, уни
ўлдирган турк амираи сифати

устига, умуминсонийлик деган тушунча,
миллатчиликнинг қилма-қиллиги,
аксинча, уни ўз

СОЛНОМАСИ

каби қудратли турк султонлари
ҳам уларни жиловлашга эриша
олмаганлар. Амир Темурнинг

маълумотлар ҳам мавжуд.
Соҳибқирон узок сафарлар
пайтида ҳам улкан салтанатини

ни юклайди: «Номи юқорида
эслатилган суюкли фарзанд
ҳам ўз навбатида зиммасига

Агар нашр қилинса, шубҳасиз,
рус шарқшунослик фанининг
катта ютуқлари сифатида

МУҲАББАТ ЭРТАГИНИ АЙТИБ АДО ЭТИБ БЎЛМАЙДИ.

Муҳаббат эртагини айтиб адо этиб бўлмайди.
Шеърга солганда эса
бу эртақ анчайин ҳаяжонли ва эзгин оҳангга

ОЙДИНЛИК

Асад ДИЛМУРОД

Романдан боб

ичида нимага ҳам улгурсин? Гоҳо, йиллар бўйи уринар одамзод, аммо толгани - омадсизлик, бирон бедаво дарад... Энди кимдан ҳам яширсин қисмати шунақа бўлиб чиққанини? Бу ёғида умиди - бошқача, зеро, одамга ўхшаб меҳнат қилиш, шунга яраша тўйиб-қунаб яшаш илжинида, бироқ, шу нарса насиб этармикан?

мондан бери ўзим ҳам ялангоёк бўлиб қидираман. Кимдир бир челақ совуқ сув ағдарди гўё тепасидан...
Нахотки бунинг ўзи ҳам мададга зор?
Ночор қолган Саидбек ҳаёлга шўнғиди, қай маҳалдир ойна ортидаги махлук чийиллаб юборди, у сесканиб тушди. Паршион ўтирган Бўзтойга умидворлик билан тикилди, бунинг истараси шунчалар иссиқки, асти қўберасиз. Сўнг, ундан назар



Асад Дилмурод

БОЛАЛИК МАНГУ БАРҲАЁТДИР

Мухбир: - Асад ака, аввало, «Фано даштидаги қуш...» романингизнинг иккинчи китобини битирганингиз билан табриклаймиз. Мазкур романингиз ҳар иккала китоб мантиқа билан бир-бири билан боғлангандан ташқари, уларнинг яхлитлигини таъминлаган яна қандай қутблар мавжуд? Асар услуби ҳақида ҳам фикрингизни билдирсангиз?
А.Дилмурод: - Адабиёт тили - рамзий тил, тимсолий тил. Маъжозий йўсин билан сўзлаганда баъдий ижод танланган мавзу моҳиятини, аниқроғи, руҳ драматини чуқурроқ очади.
Реалистик тасвирга асосланган мистик романтизм услуби - «Фано даштидаги қуш» романи шу услубда ёзилган, десам хато бўлмас. Романда, биринчи китобда ҳам, иккинчи китобда ҳам, бир неча ижтимоий-баъдий кутб кўзга ташланади: узок ва яқин тарих, макон ва замон билан бирлашган кунлар, ўтмишни, бугунни боғлаган келажак... Ана шу кутбларда турли социал вазибалар юклаган Саидбек Умар, Ёдгор валий, Ҳазора момо, Моҳина, Эна Кўкбўри, Чақалоқ, Чумоли - Кўлдощ Камон, Сайфи ва бошқа образлар ҳаракат қилишади.

фожиалар ҳам, иккинчи китобдаги хайрли ҳодисалару оғир кечинмалар ҳам кўпроқ Саидбек Умар тасавурида - кўнглида кечади.
Саидбек Умар Ҳазора момо эртагини эслаш орқали тарихга - Ўғизхон замонида шўнғиди. Хуллас, поклик ва адолат сари ташланган дадил қадам моҳияти иккинчи китобнинг бошидан охиригача бўртиб туради.
Романда Ёдгор валий йиғмонни дил гавҳари билган, мустаҳкам эътиқоти билан қилган қирғинларга қўриққан, ўзини таниш орқали Оллоҳни топган, кўнгли бўйлаб, Оллоҳ сари - Оллоҳга сафар қилишга қодир қароматтўй зот сифатида тасвирланади. Менинча, Оллоҳ сари кўнгли орқали бориш ёки Оллоҳни кўнгли орқали таниш - бу адабиётнинг мазмун-моҳияти ва фалсафасига айланиши керак.
Мухбир: - Романдаги воқеаларни муайян тарихий давр, дейлик асримизнинг 30-йилларида рўй берган қатағонларга қиёсласа бўладими?
А.Дилмурод: - Саидбек Умар ва Сайфи образлари билан боғлиқ воқеалар бевосита 30-йиллар фожиасини эслатади. Сайфи қишлоқдаги бог-роғларни кесиб, қаҳохат оловини авж олдиради. Бу образ романда Сариеўлар деб аталган ёвуз тоифанинг вакили.
Мухбир: - Рамзий тил, тимсолий тил... Маъжозий йўсин. Бундай услубдаги асарлар китобхоналарга муайян қўйилмаётганларга тугдирса керак. Бу ҳақда нима дейсиз?
А.Дилмурод: - Ҳали айтганимдек, адабиёт маъжоз тили билан сўзлаб бошласа, танланган мавзу моҳиятини, бошқача айтсак, руҳият драматини, инсон қалбини тегароқ очиб шу учун кенг имкониятларга эга бўларкан. Мен ана шу қоидага амал қилган ҳолда романим ҳар иккала китобини ҳам рамзий образлар, маъжозий воқеалар, шу билан бирга, тасавуф фалсафасининг тамсиллий йўриқлари асосида қуришга ҳаракат қилдим.
Романи ўқувчи тушуниши ёки тушунмаслиги масаласига келсак, бу ҳам ёзувчини аниқ уйлантирадиган муаммо. Янги романимдаги воқеаларга сингдиришга ҳаракат қилинган моҳиятини китобхона оқна-осон ҳазм қилиши мумкин, десам биров оширган бўлмас. Тўғриси шунки, романим аввал ҳис қилиб, кейин тушуниш ёки олдин тушуниб, кейин ҳис қилишга тўғри келади. Бунинг учун эса муҳтарам ўқувчи маълум даражада адабий-маърифий тайёргарликка эга бўлиши лозим.

Сўзди қуришга санъат

бирлашган кунлар, ўтмишни, бугунни боғлаган келажак... Ана шу кутбларда турли социал вазибалар юклаган Саидбек Умар, Ёдгор валий, Ҳазора момо, Моҳина, Эна Кўкбўри, Чақалоқ, Чумоли - Кўлдощ Камон, Сайфи ва бошқа образлар ҳаракат қилишади.
Романда Шарқ фалсафаси, исломий дунёқараш негизи ҳисобланган тариқат - тасавуф фалсафасига охир баъдий тафаккур амал қилади. Инсон омонат (фано) дунё билан боқий дунё ўртасидаги олис масофада курашиб, изланиб, азоб чекиб яшайди, ҳаётини зиддиятларга, бинобарин, эзгулик ва ёвузликка, адолат ва ҳақсизликка, садоқат ва хиёнатга, тўғрилик ва бўғхонга дуч келади. Ана шу тўқнашлар жараёнида инсон маънавий-руҳий кучли ва ожиз томонларини намоён қилади ҳамда ё маънавий-руҳий камолотга эришади, ё маънавий-руҳий инкирозга учрайди.
Роман бош қаҳрамони Саидбек Умар фано ва бако ўртасида оворас сарсон юрган, гоҳ голиб, гоҳ мағлуб бўлган, макон ва замоннинг шафқатсиз қонунлари гирдобига тушиб қолган, жиддий таҳотага йўл қўйган, ниҳоят, одамзод олдидаги гуноҳини англаб етган ва айбини ювиш учун жиддий курашга бел боғлаган олим - руҳ муҳандиси образидир. Саидбек Умар руҳ муҳандиси бўлгани учун ҳам мунтазам равишда ўз руҳий оламига - ўз кўнгли иқлимига, аниқроғи, Болалиги - ҳам ширин, ҳам аччиқ хотиралари сари парвоз қилади. Романинг биринчи китобиди

солмоқчи эмиш! Вой, томи кетган банд, келиб-келиб шундай зил юмуш сендака мерос чекига тушибди-да. Бир думалаб бошқа қиёфага кирган ва Чумоли этагини тутган Сайфи, кейинроқ, бир баҳонада, надомат қолфи урилган сандинчи очди: моддий-номоддий дунё бошқа ўлчамга кўчганимиш, ушбу жаҳоншумул ҳодиса Сариеўлар сардори хоҳиш-иродаси ва режасига қўра рўй берганимиш, кимки ана шу жараёнга киришиб кетмаса, газабга учрамайди, энг машғум жазаго лойик топилаётганимиш. Қолганини ўзингиз хулоса қилаверинг, фақат, у рақда турмас бу даҳмазани Бўзтойга ўқитириш оосмас. Мабоодо, гап очса-нетса, роса масхаралаб кулса керак.
- Балки шарналар мамлакатига кеб қонгандирман, - деди Бўзтой тўсатдан, ноўнғай жимликни бузиб. - Бунақасини ҳечам эшитмоқдим. Нима, сизам шунинг фуқаросини?
- Кўй, қора кўзми, ярамни тирнама, - деди Саидбек ялинч оҳангиди. - Шундоқ ҳам тўйганман. Дардим оғир, дардимга сен малҳам босарсан деган умиддаман.
- Малҳам, о-о-о-о! - деди Бўзтой ҳасратидан чанг чиқиб. - Қайда экан ўша мўъжиза? Неча за

Қ А Р З

бир кишининг умрига зомин бўлди

топилган дафтарча улар диққатини тортди. Унда қарздор одамларнинг исми фамилиялари, қарз олинган сана ва пул миқдори ҳамда устама фоизи ёзиб қўйилган.
Терговчилар қарздорлар рўйхатдаги одамларни чақириб сўроқ қила бошлади. Уларда Баҳодир Турдумуродов деган кимса шубҳа уйғотди. У Тожикистон Республикаси фуқароси бўлиб, мурда топилган уй яқинида рўйхатдан ўтмасдан яшарди.Ғожиа содир этилган кундан буюн эшигига кулф солиб, болачақаси билан номаълум томонга кетиб қолган. Тезкор тадбирлар натижасида у Ширин шаҳрида яшайдиган қайинсинглиси Раъно Шарипованинг уйда аканглиги аниқланди.
Биринчи сўроқдаёқ Баҳодир жиноятни содир этганини тани олди...
Воқеа қуйидагича содир бўлган эди: Шу йилнинг 30 март куни Баҳодир Турдумуродов мотоциклнинг гаровга қўйиб Иброҳим Мотобоевдан 20000 сўм қарз олади. Лекин олди-бердини

рени узмай, бошқача сурурга қўмилди, зерикарли «Е» ҳужраси аста-секин чекинди қайгадир. Шундоқ рўқарасида бошқача манзара жонланди: виқорли қўқулар, шиша сувли жалпа, паст-баланд ўнгирлар, ҳазонларга қўшилб учмаётган мезон илгарининг сокин товланиши, тирамоқ нафасига кўнжа бошлаган қў-қўларнинг қўзиб-қўзиб маршаши... Узаро уйғунлашиб кетган.
Ана, қишлоқ узра Айқитшо жимгина хаёл суради, ундан ҳам юксаликда темир қанотли бургутлар сокин сузар ҳавода, этак тарафда ястанган бог-роғларда эса гоҳ тўғрайлар сайрар, гоҳ тошбулбулар. Майин ва қувноқ хонишларни гоҳ уялбоқ қаладиган шамол осларига учириб кетар. Ахир бўёқлари билан кўзми ўйнайтиб, дилини халқитирадиган гаройиб манзара орасидан не-не ҳодисаларни жимгина ичига ютган, бирон сирлашадиган кимса йўлга ичиги қишлоқни Саидбек кўриб туради. Ана, паст-баланд томлар лойсувоқ яғринини офтобга берган, бири-бирига туташ - укувсиз уста қурган зинапош янглик юқорига нотеки ўрлаган. Ола-чипор дўнглик белида кўнқайган айвонли уй қўшнлар орасида сирли муғаймиш: у анча эскирган, замини шўрлаган, борингки,

Қ А Р З

бир кишининг умрига зомин бўлди

қилади. Аммо И.Матобоев қарзидан ҳаёти барбод бўлди. Икки оила, бир отази воз кечса-да, тилхат беришни пайсалга солади. Баҳодир эса уни бўйиб ўлдириб, ташландиқ уйга судраб олиб бориб ташлайди-да, бола-чақаси билан йўловчи машинада қайинсинглисиникига кетади.
Тергов давомида Баҳодир барча айбларини бўйнига олди. Шунингдек, жиноят далилий ашёлар ва эксперт хулосаси билан ҳам тасдиқланди. Суд Б.Турдумуродовга жиноятга яраша жаза белгилади.
Уйлаб ҳайрон қолсан киши. Одамлар арзиманган пул, бойлик учун қанчалик қабиҳлик, пастхашликка боришапти. 20000 сўм ўртача бир ойлик маошага тенг. Лекин шу пулни деб бир киши ҳаётдан қўз юмди, иккинчи инсоннинг

ҳаёти барбод бўлди. Икки оила, бир неча фарзанд отасиз қолди. Мана, очқўзликнинг, судхўрликнинг оқибати. Агар Иброҳим Матобоев судхўрлик билан шуғулланмаганда, шу жиноят мутлақо содир этилмаслиги мумкин эди. Аммо энди кеч.
Баҳодир Турдумуродов тергов жараёнида ўзининг айбини енгиллаштириш учун пастхашликлар қилишга, яъни марҳум Иброҳим хотини Мархабога тагажоллик қилди, дейишгача борди. Лекин бунга ишониб қийин. Бу чўкаётган одамнинг хаста ёпишишига ўхшайди. Аммо ҳас уни қутқариб қоламади. Суд уни узок йилга озоқликдан маҳрум этди.
Ҳолик САРИБОВЕВ,
Бўёвут тумани прокуратураси терговчиси

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ
Мавзелимиз: Тошкент — 700083, Матбувотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Муҳаббат ва вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» иқтисодий ишлаб-чиқариш биришмаси ва Мухомиди номидagi театр жамоаси театр режиссёри Аҳад Фармоновга волидаи муҳтарамаси
Муҳаббат ва вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОН
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақасонаси.
Манзйла: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 20.00.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма №, — 909. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерда терилди ва сақлаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

Дуё — кет...

АҚЛ БОВАР ҚИЛМАЙДИ-Ю, БИРОҚ...

Япониялик биомуҳандислар америкалик ҳамкасблари билан бирлишиб, одам аъзоларини алоҳида ўстирадиган лаборатория «плантация»лари яратишга яқинлашиб қолди. Ҳозирча улар «яратувчилик» тахрибаларини айрим жонзотлар устида ўтказишмоқда.
Жумладан, шу йил ёзда Токио университети лабораторияларидан бирида бақанинг кўзи ва қулғонини ўстиришга муваффақ бўлинган. Бу аъзолар ривожлантирувчи (озик берувчи) муҳитга А витамини қўшиб жойлаштирилган амфибиянинг эмбрионал ҳужайраларидан шакллантирилган. Ривожлантирувчи эритмадаги витаминнинг суьсайган концентрацияси ирс(ген)ни фаоллаштирди. Бу ҳол кўз тўқмаларини ривожлантиришга омил бўлди. Витаминнинг қучайтирилган тарқиб эса эшитиш аъзоларини шаклланишини назорат этувчи ирс(ген)ни юзага келтирди.
Хуллас, япон олимларининг тахрибалари тўла муваффақият билан аяқланди. Бу ишнинг бошида турган Макото Асасиманинг дололат қилишича, тахрибанинг бешинчи кунидеёқ бақанинг кўзи юмалоқ шакл олган. Бундан олдин шундай, бироқ хийла соддароқ усулда япон олимлари бақа буирагини ўстириб, кўчириб ўтказишга ва суний ўстирилган буйрак билан бақалар бир ой яшган.

Шубҳасиз, эмбрионал ҳужайра сир у синоати кашф этилгани, аҳамиятига кўра, одам геноми топилигани ёки суний усулда Долли отли кўйинг пайдо қилинган билан тенгдир. Булар барчаси инсониятни улкан инкилобий ўзгаришларга тайёрламоқдаки, бу нафақат медицинада янги ўфқлар очади, шу билан бирга бу ҳоҳа ҳақидаги мавжуд ахлоқий қарашларни ҳам таъмин рад этиши мумкин. Ҳозирданроқ етакчи мамлакатлар одам эмбрионлари аъзоларини ўстиришнинг, гарчи шиша идишларда бўлса-да, олдинги тўсиш ҳақида бош қотаришмоқда.

ВЕНЕРАНИНГ ОЛТИНЧИ БАРМОҒИ

Суратга қараб тахшис қўйиш бор гап. Портрет диагностикаси - медицинанинг ёрдамчи бир тармоғи ҳисобланади. Бу усул қулғани кишиларнинг жисмоний ҳолатини тиббий тадқиқ этишда қўлланади. Айни шу усулда расомлик, ҳайкалтарошлик каби санъат асарларига, улуг санъаткорларга, уларнинг портретларига қараб, албатта, тахшис қўйишга ҳеч ажабланманг. Келинг, бундай тахшисларнинг айримлари билан танишайлик.

Маълум бўлишича, буюк мусавир Микеланжело бод ҳасталигининг оғир туридан азоб чеккан экан. Дувруқли скрипкачи Николо Паганини ва АҚШнинг соёқ президенти Авраам Линколн Морфан синдроми, яъни бўйи баланд, бармоқлари эса узун ва ингичка бўлиб кетадиган наслик ҳасталиқни бошидан кечирган. Француз расомлари Тьер Огюст Ренуар ва Раул Дюфи - қон томирлари шамоллаши, Пол Сезанн бўлса ортикак сиемизлик ҳамда қанд касаллигидан азоб чекишган. Бу тахшислар уларнинг суратларига қараб қўйилган ва тасдиқланган.
Санъат оламнинг ноёб дурдоналари ҳисобланмиш қўллаб расомлик асарлари қаҳрамонлари ҳам синчков тахшисларнинг назаридан четда қолмаган. Хусусан, аёл гўзаллигининг идеали Венера Милосскаянинг ўн оёғидаги бармоқлари олти та экан. Рембрандининг сеҳрли мўйқаламидан чиққан тўладан келган қонларнинг қалқонсимон безлари яъни ишламас экан. Леонардо да Винчи яратган думбўққина болалар ҳайкалчаларининг прототиплари эса раҳитга мойил бўлишган.
Моно Лизанинг сирли табассуми кимни мафтун этмаган дейсиз. Бу дилтортар табассумнинг сирини эса ўша гўзалнинг юзидидаги нервлар фаоллашган экан.

ҚУЁШ ТАНДИРДАЙ ҚИЗИСА

Аслида Қуёшнинг ичидидаги ҳарорат мингта қизган тандирнинг ҳароратидан ҳам юқори. Бироқ Олам қароғининг «тандирдай қизгани»ни кўз олдинга келтириб қўлинг.
Европа коинот агентлиги (ЕКА) олимлари яқинда шов-шувли хабар тарқатишди: Қуёшнинг мағний майдонини кучи кейинги йилларда икки баробар ошибди. Бу ўзгариш Қуёш системасидаги барча буржларда сезила бошлаган. Мазкур гаройиб ҳодисанинг Ерга таъсири қандай бўларкан? Мутахассисларнинг фикрига қараганда, кўрсатилади йиллик ўртача ҳарорат атмосфераси боради. Айни ҳолат эса Ер қутбларидаги музларнинг эришига ва «партити эффект» пайдо бўлишига олиб келади. ЕКА тадқиқотлари «Соҳо» деб номланган суний йўлдошдан олинган ахборотларга асосланган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ
Мавзелимиз: Тошкент — 700083, Матбувотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» иқтисодий ишлаб-чиқариш биришмаси ва Мухомиди номидagi театр жамоаси театр режиссёри Аҳад Фармоновга волидаи муҳтарамаси
Муҳаббат ва вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОН
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақасонаси.
Манзйла: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 20.00.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма №, — 909. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерда терилди ва сақлаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташиқлотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи—6288.